



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 28 июнь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (13.949)

Баҳоси эркин нарҳда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Аввало сиз, азизларни касб байрамингиз – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларга ўзимнинг самимий ҳурматим, эзгу тилакларимни билдириб, машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилган, очиқлик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиа маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони тобора кўпайиб, улар турли тилларда иш юритмоқда.

Янги шароитда ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Ушбу агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хо-

рижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бир сўз билан айтганда, ахборот майдонидagi фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармоқли соҳага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданлик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети аънаваний билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикамиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланган, деб ишонамиз.

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий руҳ кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисоблашган ҳолда ишлашга ўргатади.

Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига ишонган раҳбар танқиддан қўрмайди, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади. Аслида ҳам бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан биридир.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидagi турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва ҳолислик таъминидан асосланиши, қонун ва одоб қоидалари

доирасида бўлиши, шахсий гараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган сиз, матбуот аҳли, ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англайсиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантиси барчамиздан янги-янги ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуотимизнинг халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, Интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна ва тарғибот масалаларида бугун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиқлик ва соғлом рақобат шароитида ишлашга ўрганиш бўйича биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ўз навбатида, биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги қадриятларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп сонли барча муҳлис ва муштарийларингизни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, жамият ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишларига қўйган муносиб ҳиссаси, юртимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янгилик ва инновация жараёнларини кенг ёритиш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Журналист” Пардабаева Халида Эшанкуловна – “Сирдарё ҳақиқати” газетаси маънавият бўлими мудири, Сирдарё вилояти Юнусов Темурмалик – Бадийий сўз устаси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” Отамуротов Икром Исломович – “Шарқ юлдузи” журнали бўлими мудири

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан Садинов Махмуд Халикулович – “Маърифат” газетаси бўлими муҳаррири

“Меҳнат шухрати” ордени билан Атакулов Ходжимурод Инамович – “Орият телерадиокомпанияси” масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг муаммолари масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролинини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаятган қаҳриқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтариш мақсадида кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислохотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шарафлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сонли Фармонида мувофиқ, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида кадрлар билан таъминланганлик даражасини кучайтириш мақсадида:

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



УЛКАН МАСЪУЛИЯТГА УНДАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугун журналистлардан тезкорлик, ҳолислик билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан қўйлаётган вазифаларга ҳозиржавоблик, пухта ва му-

каммал билим асосида, ўз фаолиятига ижодий, теран таҳлилий-танқидий руҳда ёндашув талаб этилмоқда.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарвар ва халқчил сиёсат миллий журналистикани жадал раванқ топтириши, сўз ва матбуот, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Матбуот ривож йўлидаги ғамҳўрлик ва эътибор соҳа ходимларининг жамиятда ижтимоий мавқеини тобора оқсатиши, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил май ойида мамлакатимизда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунларига бағишланган мажлиси видеоселектор шаклида бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқор-

ги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, республикамиз миқёсида юқори ташкилий савияда ўтказилган ушбу муҳим сиёсий тадбир мамлакатимизда демократия асослари-

ни янада мустаҳкамлаш, изчил ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Бу сафарги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини жамиятнинг янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида бўлиб ўтди. Жумладан, 2018 йилнинг октябрида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқаро-

лар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланиши, яширин овоз бериш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссиясининг ваколатлари, фуқаролар вакиллари билан сўзлашувчи бўлиш ва фуқаролар умумий сонининг камиди 12 фоизини ташкил этиши лозимлиги каби янги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Сайлов жараёни айнан шу қоидаларга мувофиқ ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказилганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШINI ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Есебаев Куатбай Маткович – Қорақалпоғистон ахборот агентлиги бош муҳаррири
Кудратходжаев Шерзодхон Таджитдинович – "Халқаро пресс-клуб" нодавлат но-тикорат ташкилоти раиси
Саидов Зафар Хашимович – "Менинг юртим" нодавлат телеканали бадий кенгаши масъул котиби
Халилов Абдужалил Вакиевич – "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари, Бухоро вилояти
"Дўстлик" ордени билан
Абдусаматов Шамиль Мирзаевич – Томди тумани "Тамди шаруағери" газетаси муҳаррири, Навоий вилояти
Атаджанов Азамат Юсупбаевич – "Gazeta.uz" веб-сайти бош муҳаррири
Ғойимов Уралбой Содикович – "Халқ сўзи" газетасининг тезкор ахборотлари мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари
Магай Алла Владимировна – "Қорё Син-мун" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри
Мисков Вячеслав Юрьевич – "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этув-чиси
Ризаев Наврўз Ибодуллоевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали катта муҳаррири
Саттаров Акромжон Усманович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти бўйича шарҳловчиси
Ташпулатова Назира Курбановна – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари универ-ситетининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири
"Келажак бунёдкори" медаллари билан
Худайбердиев Хушнуд Ғайратович – Ижтимоий тармоқлардаги "Xushnubek.uz" саҳифалари администратори
Юсупов Бекзод Дилшодович – "UzNews.uz" веб-сайти бош муҳаррири

"Шухрат" медаллари билан
Абдурахмонов Абдуғани Абдурашодович – "Xabar.uz" веб-сайти бош муҳаррири
Алибаев Сергей Назарович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бош муҳаррири ўринбосари
Ғафурова Рухсара Умирзақовна – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг "Замон" ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири
Лапасов Абдушукур Хужамадович – "Жиззах ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири, Жиззах вилояти
Мамбетшерипова Назира Абдиганиевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бўлим мудири
Нарматов Усманали Наркулович – "Сурхон Тонги" ва "Заря Сурхана" газеталари бирлашган тахририят масъул котиби, Сурхондарё вилояти
Норқобилов Жамшид Буревич – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти бўйича фотомуҳбири
Тешабоев Ахмадали Тешабоевич – "Фаргона ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти
Тошмурад Ташпулат – Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири, Самарқанд вилояти
Туйчиева Гулноза Абдукаримовна – "Уқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси
Умироков Жамшиддин Абдурашодович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телеканали катта муҳаррири
Хидиров Қобил Уролович – Ижтимоий тармоқлардаги "Davetov.uz" саҳифалари ад-министратори
Шермухамедов Умид Хатамович – "Kul.uz" веб-сайти бош муҳаррири
Эгамов Эркинбой Собирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпанияси "Воҳа" тезкор ахборот гуруҳи муҳаррири
Эралиева Зарифа Ашуровна – Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуни-кациялар бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

1. 2019 йил 1 августдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ ҳўжа-лиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қўйимат солиғини тўлашга ўтиши мумкин;
календарь йили давомида хизматлари реализация қилинган олган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекомму-никациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар хизмат хақи суммасидан 25 фоиз став-када ягона солиқ тўловчиси тўлашга ўтади.
2. Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан бош-лаб:
а) бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қўйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотади-ган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан ту-шунинг миқдоридан қатъий назар, қўшилган қўйимат солиғи тўловчилари ҳисобланади;
б) товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъект-лари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъий назар, қўшилган қўйимат со-лиғи тўловчилари ҳисобланади. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъект-лари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ой-нинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қўйимат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт;
в) қўйидагилар бўйича қўшилган қўйимат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бер-кор қилинади:
асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород ҳом ашёси;
соя данаги, қунгабоқар ва қунжут уруғлари, мойли ҳом ашё ва шакар ҳом ашёси;
қишлоқ ҳўжалик техникаси, автотранспорт восита-лари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технология асбоб-ускуналари;
г) юридик шахсларнинг тижорат банкларига жой-лаштирган маблағлардан фойз кўринишида олинган тўлов манбаини фойда солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар беркор қилинади.
3. Қўшилган қўйимат солиғининг тўлақонли занжири-ни яратиш ва барча ҳўжалик юртувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш мақсидида белгилан-синки:

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқар-ган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсу-лотларига нисбатан белгиланган қўшилган қўйимат со-лиғи бўйича имтиёзлар беркор қилинади;
2019 йил январь ойдан сентябрь ойигача 1 милли-ард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми) эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ ҳўжалигига мўлжал-ланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қўйимат солиғи тўловчилари ҳисобланади ва белгиланган тартибда қўшилган қўй-имат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтилариши шарт. Бунда 2019 йил 1 октябрдан бошлаб белги-ланган пул айланмаси (тушуми) чегаравий даражага эришган ягона ер солиғи тўловчилари ушбу даражага эришган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қўйимат солиғини тўлашга ўтади;

пахта ҳом ашёсини ишлаб чиқарувчилар 2019 йил ҳосилидан бошлаб қўшилган қўйимат солиғини тўлаш-га ўтадилар. Бунда уларга 2018 йилнинг 1 октябрдан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта ҳом ашёсини етиштириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қўйимат со-лиғи суммасини ҳисобга олиш ҳўкуқи берилди.
Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсу-лотлари қисми бўйича қўшилган қўйимат солиғидан им-тиёзга эга бўлган юридик шахсларга имтиёздан воз-кечиш тўғрисида хабарнома бериш асосида, ушбу ха-барнома берилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қўйимат солиғини тўлаш ҳўкуқи бе-рилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фермер ҳўжалиқларига бухгалтерия ҳисо-бини юритиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун маҳсу-с дастурий маҳсулот ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ри-вожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томоқра ер эгалари кенгаши билан биргаликда қўшилган қўйимат солиғи суммасини ҳисо-лаш ва ҳисобга олиш имкониятларини назарда тутган ҳолда дастурий маҳсулотни қайта ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мўддатда қўшилган қўйимат солиғининг қиритилиши мўносабати билан пахта ҳом ашёсининг 2019 йил ҳосили учун янги харид нархларини тасдиқ-ласин.
Маҳаллий давлат ҳўқимияти органларига, юри-дик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юри-дик шахслардан олиннадиган ер солиғи ва ягона ер солиғининг тўлов мўддатини 24 ойгача мўддатга ке-чатириш ваколати уларнинг мазукур солиқлар бўйича имтиёз бериш ҳўкуқини беркор қилган ҳолда берилсин.

Солиқ тўловлари мўддатини кеңитириш, солиқ қарз-дорлиги бўйича белгиланган пеня миқдоридидаги фойз-ларни ундириш шарти билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб-да берилиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мўддатда маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари томонидан юридик шахсларга бериладиган солиқлар тўлаш мўддатини кеңитириш тартибини тасдиқласин.
7. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бош-лаб жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта фаолиятини амалга оширишга ли-цензияси бўлган юридик шахсларга ҳаётини узок мўд-датли суғурталаш (барча тоифадаги ҳаёт суғуртаси соҳаси) бўйича суғурта шартномасининг ҳар бир амал-даги йили учун суғурта шартномасини тўлашга йўнал-тирилганлиги иш ҳақи ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди. Бунда суғурталаниш шартини ҳаётини учун суғурта тўловлари шартнома бўйича суғурта мўддати бошланган кўндан бошлаб қайтадан ўн икки ойдан кей-ин амалга оширилиши шарт.

Узок мўддатли ҳаётини суғурталаш шартномаси мўд-датидан олдин беркор қилинган ва суғурталовчи то-монидан суғурталаниш шартнома суғурта муқофоти қисман ёки тўла қайтарилган тақдирда, қайтарилган суғурта муқофотининг суммаси жисмоний шахсининг солиққа тортилмайдиган ҳақи даромадига қиритилади. Бунда тўлов манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад со-

лиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиб бериш маж-бурияти суғурталовчига юқлатилади.
8. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига нис-батан асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар ет-казиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан мўддатли ўтган дебитор қардорлик учун, агарда асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бе-риш мўддати уларнинг техник хўсуосиятлари ва ўзига ҳосилдиган келиб чиққан ҳолда 180 кўндан ортиқ бўлса, молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой мўддатда асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан мўддатли ўтган дебитор қардорлик учун тад-биркорлик субъектларига молиявий санкцияларни қўллаш тартибини белгилаш тўғрисида тақлифлар қи-ритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дав-лат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 ок-тябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Ма-ҳкамасига қўшилган қўйимат солиғининг ҳисобга оли-нган суммасининг уни ҳисобланганидан ошган сумма-сини мажбурий қоллаб бериш тартибини жорий этиш бўйича тақлифлар қиритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ва-дат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 ок-тябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Ма-ҳкамасига қўшилган қўйимат солиғининг ҳисобга оли-нган суммасининг уни ҳисобланганидан ошган сумма-сини мажбурий қоллаб бериш тартибини жорий этиш бўйича тақлифлар қиритсин.

11. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар қиритилсин.
12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда қўнун ҳўжатларни ушбу Фармон-дан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғри-сида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳлақатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ болалар адабиёт-лари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослаш-ган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оши-ришга лицензия берганлик учун давлат божи тўлаш-дан озод қилинади.
2. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ма-ҳаллий давлат ҳўқимияти органлари (кейинги ўрин-ларда – давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қон-қарсиз деб топилсин.
3. Қўйидагилар давлат органлари ва ташкилот-ларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда – ахборот хизматлари)нинг асо-сий вазифалари этиб белгилансин:
давлат органлари ва ташкилотлари фаоли-яти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотлари-нинг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахбор-от ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот ан-жуманлари, брифинглар, медиаторлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;
давлат органлари ва ташкилотларида мамлақ-атимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёри-тиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
давлат органлари ва ташкилотларининг ижобий ишчиини шакллантириш ва илгари суриш, иж-тимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларида жа-моатчилик фикрини ўрганиш;
ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юқланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ах-борот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кей-инги ўринларда – Агентлик) билан самарали амал-ий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доим-ий ишловчи журналистлар ва блогерлар доираси-да тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, нор-матив-ҳўкуқий ҳўжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли катламларининг иштирокчи таъ-минлаш мақсидида экспертлар гуруҳини шаклланти-риш;
мунтазам равишда оммавий ахборот воситала-рида давлат органлари ва ташкилотлари раҳ-барларининг чиқишларини ташкил этиш;
ахборот мақоми мониторингини олиб бо-риш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳока-ма қилинаётган ахборот хўружларига тезкор муно-сабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотчи тар-қатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;
давлат органлари ва ташкилотлари билан бир-галикда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот вос-италари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;
давлат органлари ва ташкилотларининг фаоли-яти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хо-рижий оммавий ахборот воситаларининг позицияси-

ни ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;
давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёриштириш мақсидида ваколатли вазирликларга идора-лар орқали Ўзбекистон Республикасининг хорижда-ги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хо-рижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги диплома-тик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериал-лар ва х.к.) билан таъминлаш;
давлат органлари ва ташкилотларининг вакола-тига кирувчи норматив-ҳўкуқий ҳўжатларнинг лойи-ҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жой-лаштириш;
давлат органлари ва ташкилотларининг фаоли-ятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеомате-риаллардан иборат маълумотлар базасини шакллан-тириш ва янгилаб бориш.
4. Белгилаб қўйилсинки:
а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахбо-рот хизматлари ходимлари устувор равишда журна-листика соҳасида олиғ маълумотга эга бўлган шахс-лар орасидан лавозимга тайинланади;
б) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари:
бир вақтинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланиб, ахбо-рот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маъло-ҳатчиси мақомига эга бўлида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шар-тларига кўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарин-инг ўринбосарига тенглаштирилади;
тегишлича Агентлик ёки унинг ҳудудий бўли-малари ҳулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланади;
хар уч йилда Агентликда аттестациядан ўтади;
в) давлат органлари ва ташкилотларининг мар-казий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тўлиқларидида ахбо-рот хизмати назарда тутилмиши шарт.
Давлат органлари ва ташкилотларининг мар-казий аппаратларида ахборот хизматлари ходимла-рининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига ҳос-лидиган келиб чиққан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.
Давлат органлари ва ташкилотларининг идора-вий ва ҳудудий бўлимлари ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш тегишли идораларнинг эъти-ҳиддан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.
г) давлат органлари ва ташкилотларининг ахбо-рот фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.
д) Қўйидагиларга йўл қўйилмайди:
давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хиз-

матларига уларнинг хизмат мажбуриятига кирмай-диган қўшимча мажбуриятларни юқлашга;
ахборот хизматларининг функциялари ва вазифа-ларини давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа бўлимлари зиммасига юқлашга;
е) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарла-ри:

ахборот хизматларининг замонавий моддий-тех-ника воситалари, шу жумладан, телевизор, фото- ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги Ин-тернетдан фойдаланиш имконияти, зарур дастурий маҳсулотлар билан таъминланганлиги, шунингдек, малакали мутахассисларни жалб қилиш учун шах-сан жавобгар ҳисобланади;
ахборот хизматлари ходимларига, бошқа тўлов-лардан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Дав-лат бюджетига ҳамда давлат органлари ва ташкилот-ларининг ўз маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 50 фоиздан кам бўлмаган миқ-дорда ойлик устам тўлашга ҳақлидир;
ж) ахборотлар давлат органлари ва ташкилотла-рининг веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда, мо-бил мессенжерлардаги саҳифаларида қўнунга қамиди бир марта жойлаштирилиши ва янгилавиши лозим.
5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини мониторинг қилишининг са-марили тизимини жорий этиш, оммавий ахборот во-ситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича иш-ларини ташкил этишда уларга қўмлаштириш, шунин-гдек, ахборот хўружларига тезкорлик билан жавоб қайтариш мақсидида Агентлиқнинг давлат орган-ларининг ахборот хизматларини мувофиқлаш-тириш бўлими Агентлик марказий апарати бош-қарув ходимларининг белгиланган умумий сонини тегишлича ошириб, 5 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бош-қармаси сифатида қайта ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникация-лар бошқармаларида 14 та штат бирликларини қўшимча ажратган ҳолда ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлашти-риш сектори ташкил этилсин.
6. Давлат органлари ва ташкилотлари:
Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологияла-ри ва коммуникацияларини ривожлантириш вази-рлиги билан биргаликда бир ой мўддатда матбуот котибларини алоқа воситалари, жумладан, ҳўкумат алоқаси, шунингдек, кенг полосоли Интернет тар-моғига уланмиш имконияти билан таъминласин;
давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хиз-матлари ходимларини тахриба орттириш ва хори-жий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фао-лияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жиҳатдан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига қиритиш чораларини қўрсин.
7. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлимлари, Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик-лар ва идоралар, мутахассислар ва экспертларни жалб этган ҳолда қабул қилиниши режалаштирилган ва қабул қилинган ижтимоий аҳамията молик нор-матив-ҳўкуқий ҳўжатлар қондаларининг, шунингдек, долзарб масалалар бўйича қўтилмаётган ташкилий чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъми-насин.

8. Агентлик:
давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг қарорлари ва топ-шириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчи-лик фикрини, шунингдек, уларнинг ижроси борасида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи-даги веб-сайтларда давлат органлари ва ташкилот-лари эълон қилган материалларни мониторинг йўли билан доимий равишда ўрганиб бориш ва қўнун ҳўжатларидида назарда тутилган чоралар қирши учун тегишли давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органла-рига ахборот (кўрсатмалар) қиритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар уни-верситети билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларидида ахборот хизматлари ходимлари ва раҳбарларининг малакасини ошириш қўрсла-рини ташкил этсин;

икки ой мўддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ахборот хизматлари раҳ-барларини аттестациядан ўтказиш тартибини, шун-ингдек, уларнинг иш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;
2020 йил 1 январга қадар манфаатдор вазирлик-лар ва идоралар билан биргаликда давлат органла-ри ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарла-рини қўнун ҳўжатларига мувофиқ аттестациядан ўтказсин;

давлат органлари ва ташкилотларига улар фао-лиятининг очигинини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яқинлаш, шун-ингдек, ахборот хизматларини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича доимий ёрдам қўрсатиб бориш;

оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи, жумладан, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессен-жерларда эълон қилинаётган аҳолининг кенг қат-ламлари фикрига салбий таъсир кўрсатувчи маълум-отларнинг доимий мониторингини амалга ошири-син ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилот-лари ахборот хизматлари мўносабат билдириши учун уларга юқорисин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хиз-матларининг ходимларини, шу жумладан, давлат му-қофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантириб бориш чораларини қўрсин;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари реестрини шакллантириш ва уни доим-ий янгилаб бориш;
давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хиз-матлари фаолиятини, уларнинг малакали кадрлар, моддий-техник воситалари билан таъминланганлиги ва зиммасига юқлатилган вазифаларининг ижросини ўрганисин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:
хорижда Ўзбекистоннинг ижобий ишчиини илгари суриш ҳамда мамлакатларидида амалга оширилаёт-ган ишловлар тўғрисида тарғибот қилиш ва жамо-атчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган ахбо-рот кампанияларини ўтказиш мақсидида Ўзбекистон

Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий ком-муникацияларини ривожлантириши қўллаб-қувватлаш жамағармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бю-джети маблағлари ҳисобидан ҳар йили 20 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

хар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бю-жети параметрларини шакллантиришда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларини таъминоти ва моддий-техник хўзаланиши учун маблағларни назарда ту-тинсин.

12. Агентликка тадбирлар (анжуманлар, бри-финглар, "давра суҳбатлари"), тақдимотлар ва бош-қаларни ташкил этиш билан боғлиқ юқлатилган ва-зифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъ-минлаш мақсидида Ахборот соҳаси ва оммавий ком-муникацияларни ривожлантириши қўллаб-қувватлаш жамағармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб (хизмат-лар) етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри шарт-номалар тузишга истисно тарқисида руҳшат берил-син.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-рини ривожлантириш вазирлиги ахборот хавфсизли-ги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат орган-лари ва ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот во-ситаларининг Интернет тармоғидан фойдаланиши, техник хизмат кўрсатилиши ва уланмиш ҳамда улар-нинг серверлари ТАС-IX тармоғига жойлаштирили-ши билан боғлиқ харажатларни қамайтириш чорала-рини қўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4151-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар қиритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:
Агентлик, манфа

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ,
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида (кейинги ўринларда – Академия) бошқарув кадрларини тайёрлаш давлат, ҳўжалик ва жамият бошқарувининг талаб этилган ва истиқболли йўналишлари бўйича грант ва тўлов-контракт асосларида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бир йиллик ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки йиллик магистратуранинг таълим дастурлари бўйича амалга оширилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади;

Академия магистратурасига ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда республика нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тавсия этилган шахслар орасидан, жойларда номзодларни бирламчи саралаб олиш ва кейинчалик Академияда тест синовлари ва суҳбат ўтказиш йўли билан танлов асосида амалга оширилади;

Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилигига номзодлар учун қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади;

б) Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курслари битирувчиларини

раҳбарлик лавозимларига тақсимлаш чораларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиларининг бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбариятининг умумий мувофиқлаштириши остида амалга оширилади;

в) бошқарув кадрларининг малакасини ошириш курслари илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда амалга оширилади ҳамда инновацион давлат бошқаруви, стратегик режалаштириш ва прогностлаштириш (foresight), давлат хизматларини такомиллаштириш, ақли бошқарув ва рақамлаштириш соҳасидаги ўқув дастурларини ўз ичига олади.

2. Академия томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида Академияга 2019/2020 ўқув йили учун қабул квоталари шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2019/2020 ўқув йили учун қабул квоталари:

1-иловага мувофиқ, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича Академия магистратураси учун 90 нафар, шу жумладан, давлат грантлари асосида – 36 нафар ва тўлов-контракт асосида – 54

нафар;

2-иловага мувофиқ, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича Академия магистратураси учун 30 нафар, шу жумладан, давлат грантлари асосида – 12 нафар ва тўлов-контракт асосида – 18 нафар;

3-иловага мувофиқ, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича Академия бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курслари учун 60 нафар, шу жумладан, давлат грантлари асосида – 24 нафар ва тўлов-контракт асосида – 36 нафар;

4-иловага мувофиқ, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича Академия бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курслари учун 90 нафар, шу жумладан, давлат грантлари асосида – 36 нафар ва тўлов-контракт асосида – 54 нафар этиб белгилансин.

4. Академия ректорига номзодларнинг якуний баҳосини ҳисобга олган ҳолда Академияга қабул қилиш параметрларига белгиланган умумий квоталар доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Академиянинг магистратураси ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларига давлат грантлари асосида қабул қилинган шахсларнинг тахсил олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Академия манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) куйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини: бошқарув кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

вазирлик ва идоралар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда малака ошириш курсларининг камида 30 та ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларнинг хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармасида давлат органлари эҳтиёжлари асосида хорижий мамлакатларда ўқитиш учун истиқболли кадрлар маълумотлар базасини яратиш;

б) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари П.С.Қосимов ва У.С.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 июнь

**УЛКАН МАСЪУЛИЯТГА
УНДАЁТГАН
ИМКОНИАТЛАР**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, тахририят-матбаа комплексларининг микдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янги шарт-шароитларда ишлаб оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини юзга келтирмоқда. Бунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни ёки дунёнинг исталган чеккасида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар шу онининг ўзида оммавий ахборот воситалари, аynиқса, интернет нашрларида акс-садо бермоқда. Юртимизда фуқаролик журналистикаси, блогерлар фаолияти тобора жаддаллашиб бормоқда. Ҳозир жамиятимизга доғ тушираётган коррупция, порахўрлик, бефарқлик, бепарволик, лоқайдлик, ўзибўларчилик каби иллатлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг зийрак нигоҳидан четда қолмаяпти. Айни пайтда сўз эркинлиги билан бирга унинг улкан масъулияти, жамият, халқ, миллат олдидаги ижтимоий бурч, касбга, ўз ишига садоқат, ишга фидойиларча муносабат, ҳолислик ва ҳалоллик, миллат, юрт манфаатларини устувор билиш, ахборот хавфсизлигини мукамал таъминлаш, журналистик одоб, ҳурмат каби тушунча ва тамойиллар ҳам борган сари долзарблашиб бораётгани яхши аён. Буларнинг барчаси ўзини медиа соҳага бағишлаган инсонлардан журналист деган номга муносибликни, кечаётган ўзгаришлар жараёнини соғлом дунёқараш, адолат мезони асосида таҳлил этишни ва шу асосда халқимизга етказишни, жамиятдаги долзарб масалаларни янада дадил кўтариб чиқишни талаб этмоқда.

Президентимизнинг Фармони асосида демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, ҳолислик ва ҳаққоний ахборот етказиш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларини кенг ёритиш, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги меҳнатлари учун бир гуруҳ ОАВ вакиллари унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда бу мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўз эгаларига тантанали топширди.

"Сирдарё ҳақиқати" газетаси бўлим мудири, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвони совриндори Холита Пардабоева, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бўлим мудири, "Шўхрат" медали соҳибаси Назира Мамбетшерипова, "Қорё Синму" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, "Дўстлик" ордени соҳибаси Алла Магай, ижтимоий тармоқлардаги "Xushnubek.uz" саҳифалари администратори, "Келажак бунёдкори" медали совриндори Хушнуд Худойбердиев, ижтимоий тармоқлардаги "Davletov.uz" саҳифалари администратори, "Шўхрат" медали соҳибси Қобил Хидиров матбуотда фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиб, соҳа ривожига йўлидаги улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

– Камтарона меҳнатларим инобатга олинди, – дейди "Маярифат" газетаси бўлим муҳаррири, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибси Маҳмуд Саъдинов. – Президентимиз қайта-қайта ўз нутқида маънавий бедорликка даъват этаётган. Журналистиканинг "тўртинчи ҳокимият" сифатидаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Жамиятдаги муаммолари масалаларни ёритиш, шу маънода халқимизга кўмақдosh бўлиши учун соҳа вакилларида дадиллик, ҳақўйлик ва ҳолислик талаб этилади.

Тантанали тадбирда санъат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Шу кунги пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида соҳа ходимлари ва уларнинг оилалари учун байрам сайли, китоблар, газета-журналлар кўргазма-ярмаркалари, бадий жамоаларнинг концертлари бўлиб ўтди. Байрам тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки руҳда нишонланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

**Пойтахтимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунги муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти"
республика ижодий танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган
тадбир бўлиб ўтди.**

**ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ
ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ**



Шу муносабат билан мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, устоз журналистлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, танлов ташкилий қўмитаси раиси Саъдулла Ҳакимов ва бошқалар юртимизда миллий журналистика соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, касбий салоҳиятини юксалтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситалари ходимлари янада эркин, самарали ижод қилиши, халқимиз учун долзарб бўлган мавзуларни дадил кўтариб чиқиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги шиддатли ислохотлар даври соҳа ходимларидан янада фаол ва ташаббускор, изланувчан бўлишни, ўз истеъдодини Ватан, миллатимиз, жамият манфаатлари йўлида сафарбар этишни, фидойиликни, касбга садоқатни талаб этмоқда. Шу билан бирга ҳолислик, теъзорлик, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини одамларга теран, таъсирчан тарзда тушунириш, касбий маҳорат журналистларимиз фаолиятининг энг устувор жиҳатларига айлиб бормоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир неча йилдан буюн аънаваний ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" ижодий кўрик-танлови соҳанинг фаол ва фидойи ходимларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, журналистларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Танловда иштирок этиш истагида мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг 200 нафарга яқин ходимидан қўллаб ижодий ишлар келиб тушди.

Ҳақамлар хайрати томонидан ижодий ишларнинг долзарблиги, мавзунинг юксак даражада профессионал ёритилиши, ижтимоий аҳамияти, журналистик фаол фуқаролик позициясини намоён эта олиши каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Улар орасидан ижодий ишлари энг яхши, деб топилганларга танловда ғолиб ва совриндорлик насиб этди. Эътиборга молик жи-

ҳати, ғолиб ва совриндорлар орасида барча турдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари бор. Шу билан бирга, юртимизда турли миллат ва элал вакиллари ўртасида аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мавзусини фаол ёритаётган журналистлар ҳам Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ҳўмитасининг ташаккурнона ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

– Бундай танловда ғолиб бўлганимдан гоът мамнунман, – дейди "Ўзбекистон 24" телеканали катта муҳаррири Навбахор Каримова. – Бугун юртимизда кечаётган гоът шиддатли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида кечаётган туб ижобий бурилиш даврини борица акс эттириш журналистлардан катта билим, маҳорат, гоът теъзорлик, замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этмоқда. "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови бу борадаги изланишларимизни қўллаб-қувватлашда, ўз фаолиятимизга теран нигоҳ билан, қуқур таҳлилий назар ташлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

– Бугунги даврда кечаётган улкан ўзгаришлар олис ҳудудларда ҳам ўзининг яқол ифодасини топмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси катта муҳаррири Гўзал Якубаева. – Ана шу ўзгаришлардан илҳомланиб, Мўйноқ туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни ва Орол муаммосининг бартараф этишга бағишланган туркум эшиттиришлар тайёрладим. Кечаётган ўзгаришларга ҳамнафас, ҳамкадамлик, билдирилаётган юксак ишончга муносиблик масъулиятини ҳис этиш бугунги кун журналисти зиммасидаги асосий вазифадир. Бу каби танловлар ижодий парвозимнинг тобора юксак бўлишига хизмат қилади.

Тадбирда "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совгалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди. Танлов иштирокчилари миллий журналистикамизни раванқ топтириш йўлида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИ
КЕНГАШИНИНГ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча зарур шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги қарори билан Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга кўра, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар бу йўналишдаги кенг қўламли чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштириб борди. Жами 9093 та ишчи гуруҳ ҳар бир маҳаллада сайловни намунали ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатди. Бунда, аввало, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз рўйбага чиқарилишига алоҳида аҳамият берилди.

Республика комиссияси томонидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунириш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шу билан бир қаторда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид ҳужжатлар тўплами ва бошқа ҳуқуқий адабиётларнинг жойларга ўз вақтида етказиб берилгани қонунийликнинг тўлиқ таъминланишига хизмат қилди.

Шунингдек, қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглари ўтказилди.

Бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақида сўз юритилар экан, мажлис иштирокчилари томонидан унда 9093 та фуқаролар йиғинида мамлакатимиздаги овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг вакили сифатида 2 миллион 58 мингдан ортқ киши ва 22264 нафар тавсия этилган номзод бевосита қатнашганлиги қайд этилди. Шунда бир маҳалла раислигига ўртача 2,4 нафардан номзод тўғри келганлиги сайловнинг муқобил асосда ўтказилганлигидан далолат беради.

Ҳамюртларимиз маҳаллага бош бўлишдек масъулиятли ишни кимга ишониб топшириш масаласига бу галги сайловларда ҳар қачонгидан ҳам жиддий оқ ёндашди. Бу эса сайланган раисларнинг сифат таркиби ҳам юксалди, деган сўзидир. Натижанда 9093 нафар оқсоқол сайланиб, уларнинг 6208 нафари ушбу лавозимларга биринчи марта сайланган, 57,6 фоизи олий маълумотга эга. Сайланган раисларнинг 11,2 фоизи хотин-қизлар, 164 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатларидир.

Бўлиб ўтган сайловнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, маҳалла оқсоқоллигига бу гал кўпроқ касби бўйича ўқитувчи бўлган инсонлар сайланди. Бу эса халқимизнинг устоз-мураббийларга эҳтироми билан эканлигини, ўз фарзандларига билим ва тарбия берган инсонларга маҳалла оқсоқоли бўлишдек масъулиятли ишни ишониб топширишга тайёргилигини билдиради. Бу ҳам бўлса юртимизда педагог кадрларни қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги уларга бўлган муносабатни тубдан яхшилаш борасида қўйилаётган қадамларнинг яна бир самараси, деб баҳолаш мумкин.

Сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилишини таъминлаш – ишчи гуруҳлар ва умуман, жараёнга алоқадор барча тузилмаларнинг асосий вазифаси бўлди. Уни амалга оширишда муҳим сиёсий воқеликнинг барча босқичларини кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар ҳузурида тузилган ахборот хизматлари самарали иш олиб борди. Бунинг натижасида марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 15 мингдан ортқ материал эълон қилинди. Хусусан, телерадиоканаллар эфирини 6,5 мингга яқин, газета ва журналларда мингдан ортқ, интернет нашрларида 7,6 мингга материал жойлаштирилган.

Таъкидланганидек, сайлов жараёнида тегишли қонун ҳужжатлари жиддий бузилган ҳолатлар қайд этилмади.

Мажлисида фуқаролар йиғинлари раисларининг маҳалла институтини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасидаги ишларни кучайтириш бўйича долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарорни қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида мазкур масалага доир брифинг видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

(ЎЗА)

30 июнь – Ёшлар куни

ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда пойтахтимизда 30 июнь – Ёшлар кунини муносиб ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Элбек Шукуровнинг айтишича, 20-30 июнь кунлари шаҳар ҳокимлиги томонидан 20 га яқин йирик оммавий-кўнгилочар тадбирлар, фестивал, марафонлар, ёшлар акциялари ўтказилди.

Ўрт ворислари учун ўтказиладиган маърифий-кўнгилочар тадбирлар кенг қамровли бўлиши муҳимлиги қайд этилди. Ёшлар кунига бағишланган тадбирлар учун пойтахтнинг ҳар бир туманида дастур ишлаб чиқилган, шунингдек, шаҳар миқёсида ҳам қизиқарли учрашувлар, концертлар, фестиваллар ва спорт мусобақалари ўтказилиши мўлжаллагани маълум қилинди. "Тошкент Урбания 2019" фестивалида ёшлар ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш этишди. "Youth Day" номли оммавий югуриш марафони 29 июнь Бобур номидаги Марказий экобоғ ёнидан бошланди. "Нумо arena" мусароийнинг олдидаги майдон эса финиш манзили сифатида белгиланган.

29 июнда Халқлар дўстлиги майдонида ўтказиладиган Марказий ҳарбий оркестр концертида эса 200 нафар мусиқачи жанговар сафдаги сара асарларни мусиқа ижросидан ташқил қилди. Ёшлар кунини тадбирлардан яна бири пойтахтимизда илк мартаба ташкил этиладиган "Ёшлар – картинг" оммавий-спорт мусобақасидир. Мазкур тадбир 29 июнь кунини Амир Темури хиббони атрофида ўтказилди. Тадбирларнинг барчаси катта тайёргарлик билан юқори савияда ўтказилиши бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг тақлиф ва лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш бўйича Тошкент шаҳрининг барча туманларида 29-30 июнь кунлари "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари бўлиб ўтади. Унда шаҳар ҳокими ёшлар муаммолари бўйича барчани қабул қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фидойи ўғлонларга 30 июнь кунини "Мард ўғлон" давлат мукофоти тантанали топширилади ва гала-концертлар ташкил этилади.

— 1-20 июнь кунлари "Ёшлар ойлиги" доирасида пойтахтимизда 550дан зиёд тадбирлар ўтказилди, унда жами 70 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Байрам тадбирларига 300 мингдан ортиқ ёш жалб қилиниши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида шунингдек, жорий йилнинг 6 ойи давомида Тошкент шаҳрида ижтимоий соҳада ва маънавий-маърифий йўналишда бажарилган ишлар борасида ҳам маълумот берилди. Хусусан, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус бўйича тизимли ишлар қилинаётгани, ёшлар учун ижодий, компьютер саводхонлиги ва спорт тўғрисидаги очилган, кутубхоналар ташкил этилгани, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда банд бўлмаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида зарур чоралар кўриляётганлиги маълум қилинди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

Яккасарой тумани Халқ таълими бўлими "Тошкент оқшоми" газетасининг 2019 йил 14 июнь кунини № 95-сониди 89-сонли умумтаълим мактабидида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхонасини ижарага бериш бўйича танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон бекор қилинганлигини маълум қилади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 33-уй, 14-хонадон эгаси Акбарова Гулнеҳра Олимовна номига туман БТИси томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент юридик коллежи томонидан 2010 йилда Файзиллаев Лутфилла Нарзилла ўғли номига берилган К № 1879473 рақамли (593-рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яккасарой туманида рўйхатга олинган "WOOD-PRODUKTION PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 1 888 500 000 сўмдан 1 878 500 000 сўмга камайтирилади ва жамиятнинг устав фонди 10 000 000 сўм деб белгиланади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Расулова Назира Абдузахидовна номига берилган АА № 519858 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қибрай молия коллежи томонидан 2007 йилда Арипов Артик Акбарович номига берилган № 730447 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Таъкидлаш жоизки, бу борада тижорат банклари томонидан кредитлар хунармандчилик, манзарали гуллар етиштириш, гўзаллик салонлари очиш, чорвачилик, миллий ширинликлар тайёрлаш, металл ва тунука буюмларини ишлаб чиқариш, ёғочга ишлов бериш, новвойчилик, касаначилик, косибчиликни ташкил этиш, тикувчилик ва паррандчилик йўналишларини ривожлантириш мақсадларида ажратилмоқда. Яъни, кредитлар хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш каби ҳар қандай йўналишларда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун берилаётди.

Имтиёзли кредитлар эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига ажратилади.

Чунинчи, жорий йилнинг 20 июнь ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсаки, шахримизнинг барча 11 та туманлари бўйича "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида жами 3166 нафар тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида бўлган

шахсларга 227 миллиард 57 миллион 600 минг сўмлик кредитлар ажратилган.

Бу кўрсаткич фақат 1-20 июнь кунларида 65 миллиард 36 миллион сўмни ташкил этди ва 20 кун давомида тижорат банклари кредитларидан ўз ишини бошлаётган 699 нафар оилавий тадбиркор баҳраманд бўлган.

Туманлар мисолида оладиган бўлсак, дастур доирасида энг кўп кредитлар Олмазор туманида — 28 миллиард 804 миллион 700 минг сўм, Учтепа туманида — 26 миллиард 725 миллион 600 минг сўм ҳамда Юнусобод туманида — 26 миллиард 91 миллион 100 минг сўм беришнинг гувоҳи бўлаемиз.

Энг муҳими, оилавий тадбиркорларга ҳар тумонлама кўмак бериш мақсадида барча туманлар молия бўлимлари қошида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш шўъбалари фаолият олиб бормоқда.

Бу борада Бектемир туман молия бўлимида кенг қамровли ишлар олиб бормоқда. Дастур доирасида Бектемир тумани молия бўлими "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш шўъба"си мутахассиси Аббос Юлдашев ҳамда барча тадбиркор банклари ходимлари иштирокатида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш

истагида бўлганларга кредит ажратиш, бу йўналишда керакли хонадонларни аниқлаш юзасидан маҳаллаларда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилмоқда ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, тумандаги "Нурафшон" МФЙ Самонбозор кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Эътибор Йўлдошева 2 йилдан буён новвойчилик билан иш фаолиятини юритиб келмоқда. Унинг оилавий тадбиркорлигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон миллий банки Бектемир филиали томонидан филиал турини кенгайтириш истагини билдирганлиги боис тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада Эътибор Маржонқулловна оила аъзоларини ҳам ишга жалб этиб 4 та иш ўрнини яратди. Халқимиз учун энг азиз бўлган нонларни эрта саҳардан туриб тандирларда ёпиб етказишга доим тайёрлигини билдирди.

"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури амалга ошириш юзасидан туманларда амалга оширилаётган бу каби ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириши мумкин.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчас маълумоти кадастри" ДК томонидан "SADAF PLAST SERVICE" МЧЖ номига Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13А-уй манзилида жойлашган нотура уй-жой учун 29.05.2014 йил берилган 10:09:01:01:02:0044 кадастр рақамли, 9-227/2014 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа харбий институтига 2019-2020 ўқув йили учун бўш ўқувчилик ва Илмий-тадқиқот лабораторияси илмий ходими лавозимларини эгаллаш учун

ТАЊОН ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Эълон қилинган лавозимлар:
Ҳарбий институт кафедраси
Ҳарбий алоқачи – ўқитувчи 1 та ўрин
Гуманитар фанлар – ўқитувчи 1 та ўрин
Радио алоқачи – ўқитувчи 1 та ўрин
Дастурчи – ўқитувчи 1 та ўрин

Илмий-тадқиқот лабораторияси
Техник йўналиш бўйича – Патентшунос 1 та ўрин
Техник йўналиш бўйича – Менеджер-иктисодчи 1 та ўрин
Алоқа ва АКТ йўналишлари бўйича – Катта илмий ходим 5 та ўрин

Алоқа ва АКТ йўналишлари бўйича – Илмий ходим 5 та ўрин.

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

олий таълим муассасаси бошлиғи номига ариза; кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа; олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси; қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, Рижсий (аввалги Қўлқоғ) кўчаси. **Маълумот учун телефонлар:** 231-74-16, 231-72-60.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этилади!

Очик аукцион савдосига Акциядорлик тижорат "Asaka bank"нинг 2019 йил 24 июндаги № 19-14/3927-сонли бюртманомасига асосан Акциядорлик тижорат "Asaka bank" тасаруфидидаги Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, "Намуна" маҳалласи, Ўзбекистон шох кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган АТ "Asaka bank" Сирдарё вилояти филиалининг маъмурий биноси қўйилмоқда. Бошланғич нархи: 4 308 136 000 сўм.

Мулкка эгалик ҳуқуқини бериш: олди-сотди шартномасида белгиланган сумманинг 100 фоиз тўлов амалга оширилгандан кейин мулк ҳуқуқи берилади.

Аукцион савдолари ўшиш қадами: бошланғич қийматнинг 1 фоиз миқдоридида.

Ғолиб харидор кўчас мулк объектни сотишли нархидан 0,5 фоиз миқдоридида пул маблағини савдо ташкилотчисига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдолари 2019 йил 26 июль кунини соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади. Шунингдек, ушбу кўчас мулк бўйича аукцион савдолари бюртмачи талабига асосан мулк жойлашган манзилида ўтказилиши мумкин.

Юқоридидаги кўчас мулк 2019 йил 26 июль кунини со-

тилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2019 йил 11 ва 28 август кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридидаги мулкки мажмуа билан АТ "Asaka bank" вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчисига билан тузилгандан зақалат келишувига асосан мулкки мажмуа бошланғич нархнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдоридида зақалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ўлашлари лозим: х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 958.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.
Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz
Акциядорлик тижорат "Asaka bank" телефон: (78) 120-81-73.

Лицензия RR – 0298

"ENERGO MAXSUS AVTO" МЧЖга (ИНН 203343451) тегишли бўлган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Лицензия варақаси	Муддати	Давлат рақам белгиси
АТ № 2337312	11.11.2019 й	01 473 JAA
АТ № 2337313	11.11.2019 й	01 473 JAA
АТ № 2369389	04.07.2019 й	01 4529 AA
АТ № 2385830	17.01.2020 й	01 4529 AA

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 03.07.2017 йилда № 529750 сонли реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "CHAMPION IBRAGIM" ОК (СТИР 304969530) таъсисчиларининг 24.01.2019 йилдаги № 2-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, С.Юлдашев 1-тор кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади.

Телефон: +99891 135-31-32.

Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.01.2016 йилда № 010450-04 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "EKO YAXSHI SERVICE" МЧЖ (СТИР 303764409) таъсисчиларининг 24.06.2019 йилдаги №1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида М.Улуғбек тумани, Ўзбекистон овози кўчаси, 21-уй манзилида қабул қилинади.

Телефон: +99899 827-82-77.

ЎЗГИДРОМЕТ – 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 29 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 29 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи